



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 28 февраль, № 41 (5715)

Пайшанба

Обод турмуш таровати



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари кўркам шаҳар кентлар қатори олис қишлоқ ва овуллар қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Натижада юртимиз янада чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораёттир.

Замонавий қишлоқ қиёфаси

Хусусан, бугун Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган тураржойлар, улар атрофидаги замонавий инфратузилма иншоотлари, шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган янги маззелар тароватини кўриб, кўзингиз қувонади.

Бунди Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва овулларидаги бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2009 — 2012 йиллар мобайнида минтақада намунавий лойиҳалар асосида жами 1155 та замонавий тураржой барпо этилиб, ўз эгаларига топширилди. Ушбу мақсадлар учун жами 86 миллиард 835 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Янги маззеларда 74 та ижтимоий объект қад ростлади.

— Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади, — дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон филиали бош директори Бахтиёр Утегенов. — Жумладан,

2009 — 2012 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида намунавий лойиҳалар асосида жами

1155

та замонавий тураржой барпо этилди.

минтақамиздаги 18 та маззеда 550 та намунавий уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилади. Айни пайтда қурилиш ишлари олиб бориладиган 114,98 гектардан иборат ер майдони Давлат архитектура-қурилиш кўмитаси томонидан комплекс равишда экспертизадан ўтказилиб, лойиҳалаш ишларида қиришилган.

Дарҳақиқат, эзгу ташаббуслар янги марралар сари йўл очади. Мазкур ҳаракат мамлакатимизда инсон манфаатлари энг устувор мезон эканлигидан далолатдир. Зотан, халқимиз,

чунончи, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш йўлидаги ислохотлардан кўзланган пировард мақсад ҳам, энг аввало, инсон омили билан чамбарчас боғлиқ. Қувонарлиси, ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз ҳаёт даражаси тобора яхшиланиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Шуманай туманида яшовчи тадбиркор Уснатдин Ембергенов — ёш оила бошлиғи. Айни пайтда турмуш тарвиғи, тиббиёт ходими Феруза Отажонова билан икки фарзанди воғға етказишмоқда.

— Ўтган йил биз учун жуда қувончли бўлди, — дейди Уснатдин. — Туманимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлاردан бирининг эгасига айландик. Очиғи, хонадонимиздаги қулайликлардан бошимиз кўкка етди. Фарзандларимизнинг қувонганини айтмай-сизми?! Шинам ва ёруғ хо-



Амударё туманидаги “Тошён” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Тақриқъаъла” маззесидан бунёд этилган янги тураржойлардан бирига кўчиб ўтган Хайрулла Йулдошевлар оиласи.

налар, алоҳида ошхона, ҳам-борчиси муҳайё. Янги уйда яшай бошлаган, рўзгорини янада фойз кирди. Йиллаб, қанчадан-қанча машаққат билан иморат солганларни кўрганимиз. Шунда ҳам, ҳали бу камчилиги, ҳали у камчилигини адо қилай, деб усталар ортдан югуриб юрганларнинг гувоҳи

бўлганмиз. Бизга эса тайёр уйнинг калитини тутқазиди. Ҳеч бир ташвишсиз кўчиб ўтиб, мана, кўриб турганингиздек, бахтиёр ҳаёт кечираялми. Бундай қулайлик ва гамжўрлик учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бугун юртимизда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган маҳалла тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу масканнинг миллий удум ва анъаналарни асраб-авайлаш, кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотганлар ва ёлғиз қарияларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, умуман, ҳаётимизни обод, турмушимизни фаровон қилиш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бунди маҳаллаларимизда юртимизни бундан-да обод қилиш йўлида олиб борилаётган интилишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Маҳалла — орасталик тимсоли

Манзура ЖўРАЕВА, Андижон вилояти, Асака туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, оилалар сони эса бир минг 200 дан зиёди ташкил этади. Эътиборлиси шундаки, 700 дан ортиқ хонадон аҳли анъанавий ҳунармандчилик билан шуғулланади. Айниқса, қосиблик, темирчилик ва новвойлик яхши ривожланган.

Маълумки, ўзимиз яшаб турган жойни обод қилиш энг бирламчи вазибалардан ҳисобланади. Шу боис ҳудудни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга астойдил қиришганмиз. Кўча ва хонадонларни кўкаламзорлаштиришга деярли барча маҳалладошларимиз жалб қилин-

ган. Ободонлаштириш масалалари юзасидан ҳудудда жойлашган қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитаялми. Шу ўринда яна бир тажрибамиз билан ўртоқлашасан. Ўтган йилдан бошлаб хонадонларда томорқадан қандай фойдаланилаётганини мониторинг қилаялми. Қуни кеча йиғинимизда ташкил этилган жамоатчилик комиссияларининг аъзолари билан бирга 20 та хонадонда бўлиб, уларда шу кунларда 8 мингдан зиёд мевали, манзарали дарахлар ва гуллар экиланганини гувоҳига айландик. Бу ишлар хонадонларда йил бўйи давом эттишини ҳисобга олсак, маҳалламиз қандай гўзал қиёфа касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас.

(Давоми 2-бетда).

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИБ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида яратилган соғлиқни сақлашнинг ноёб миллий модели юксак самаралар бераётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

2013 йил — Обод турмуш йили

“Обод турмуш йили” Давлат дастурининг учинчи бўлимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, жумладан, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш, касалликларнинг олдини олиш, илғор тиббиёт технологиялари ҳамда даволаш усулларини татбиқ этишни кенгайтириш,

тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Ушбу муассасаларда ўрнатилган янги асбоб-ускуналар

негизда илғор ташхис қўйиш ва даволаш технологиялари жорий этилади. Бу эса болаларга жаҳон стандартларига мос юқори технологик ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ҳамда унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг тўғри овқатланиши гоёт муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқисли-

гининг олдини олиш ҳамда бартафоз этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, унни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини сапленментация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили поливитамин комплексларини харид қилиш учун бюджет маблағларини ажратишни кўзда тутадиган Давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2013 йилда 400 миң нафардан зиёд ҳомиладор аёлнинг соғлиғи мустаҳкамланади. Кўкрак сутини эмизиш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

«Tachkent-Paris» журнали Ўзбекистон билан таништиради

Яқинда умумжаҳон ахборот тизими “Tachkent — Paris” деб номланган янги безакли электрон журнали билан бойиди. Францияда ўз фаолиятини бошлаган мазкур электрон журнали (http://www.dizarn.com/pages/tachkent-paris/) Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, унинг иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига оид кенг қамровли маълумотларни француз ҳамда инглиз тилларида ўз ўқувчиларига тақдим этади.

Дунё нигоҳи

Янги журналнинг илк саҳифаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва ташқи сиёсатига оид хабарлар билан очилади. Кейинги саҳифалардан эса Ўзбекистоннинг замонавий ҳаёти ҳамда юртимизда мустақиллик йилларида эришилган

ютуқлар ҳақидаги батафсил маълумотлар жой олган. “Ўзбекистонда 2013 йил — Обод турмуш йили” деб номланган рўқна остида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 20

йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи, шунингдек, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилишининг натижаларига доир ахборотлар муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантиришнинг яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий мазмуни “Ўзбекистон иқтисодиёти” руқна остида эълон қилинган. Унда ўқувчилар Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ўсиш кўрсаткичлари билан, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси делегацияси раҳбари Вероника Бакаланинг мамлакатимиздаги миссияси яқунлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиётининг

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Ўтган йили Кўкнаш шаҳридаги “Автосаноат Компонент” очик акциядорлик жамияти “Спарк” русумли автомобиллар учун 40 дан зиёд турдаги эҳтиёт қисملарни ишлаб чиқариш билан фаолият бошлаган эди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Яқинда бу ерда “Кобалт”, “Ласетти” автоуловлари учун ҳам бутловчи қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа шарофати билан хориждан келтириладиган шу турдаги маҳсулотларга эҳтиёж қолмади.

Ҳозир жамият цехлари тўлиқ қувват билан ишламоқда. Шунга айтиш жоизки, “Автосаноат Компонент” асакалик автомобил-созларга эҳтиёт қисмлар етказиб берадиган вилоятдаги бешинчи корхонадир.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Маҳсулот тури кўпайди

Кармана туманидаги “Zarafshon Don Invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтган йили 1,5 миллиард сўмлик макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Бунга эришишда кредит ҳисобига Хитойдан келтирилган тежамкор технологиялар қўл келди. Ҳозир жамиятда маҳаллий хом ашё асосида тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар тури 20 дан ошди. Айни пайтда жамоа аъзолари жорий йилни бундан-да юқори кўрсаткичлар билан яқунлаш мақсадида астойдил меҳнат қилаёттир.

Эътиборлиси, ана шундай корхоналар шарофати билан ўтган йили туманда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 109 фоизга етди. Бу карманликлар дастурини янада фойзли бўлиб бораётганидан далолатдир.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Модернизация меваси

Хонқа туманидаги полипропилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Хонқа барака қоп” масъулияти чекланган жамияти фаолияти тобора ривожланиб бормоқда.

Хусусан, 400 миллион сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилган, корхона қуввати 1,5 ба-равар ортди. Жамоа аъзолари сони эса яна 10 нафарга кўпайди.

— Ушбу лойиҳа тўғрисида маҳсулотларимиз сифати яхшиланди, — дейди корхона раҳбари Ортиқбой Ражабов. —

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Кредит мадад берди

Пастдарғом туманилик тадбиркор Гулбека Қўчқорова 2 нафар ишчи билан тикувчилик фаолиятини бошлаган эди.

Шундан сўнг ишбилармон аёлга “Микрокредитбанк” томонидан бир неча бор кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ишчилар сонини 30 нафарга, маҳсулотлар турини салкам 100 тага етказиш имконини берди. Хусусан, 2012 йилда корхона жамоаси томонидан 200 миллион сўмлик кийим-кечаклар тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

— Олган кредитларимизни тўғри йўналтирганимиз сабабли, ўтган йили “Микрокредитбанк”нинг “Ишончли кредит” сертификатини кўлга қолтирдик, — дейди Гулбека Қўчқорова. — Ҳадемай, молия муассасаси кўмағида яна бир истиқболли лойиҳани амалга ошириб, қўшимча 20 та иш ўрни яратмоқчимиз.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми 4-бетда).



24 соат ичида

Харажатларни тежамоқчи

АҚШнинг молия соҳасида фаолият юритувчи "JPMorgan Chase" корпорацияси 2014 йилнинг охирига қадар иш ўринлари сонини 19 мингга қисқартиришни маълум қилди.



"France Presse" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, бу борадаги сиёсат ташкилотнинг, асосан, ипотека бўлимида (13 мингдан 15 мингга) амалга оширилади. Негативи, ўтган йили фақат шу бўлим ҳодимларига ойлик маош тўлаш учун тўққиз миллиард АҚШ доллари миқдоридида маблағ сарфланган. Хусусий ва корпоратив миқозларга хизмат кўрсатиш бўлимида эса уч мингдан беш минггача иш жойини камайтириш кўзда тутилмоқда.

"JPMorgan Chase" маъмурияти бу ислохотлар орқали 2014 йилга бориб харажатлар миқдорини уч миллиард АҚШ доллари қисқартиришга эришиш ниятида.

Рақобатга дош бера олмади

Франциянинг "Vivendi" компанияси ўтган йили мамлакат мобил алоқа бозоридидаги мамлакат бой берди, дейилади "Евроњьюс" телеканали хабариди.

У кўрган фойда миқдори 13,6 фоизга камайиб кетган. Бунга "Vivendi"га қарашли "SFR" алоқа бўлимида савдо ишлари унчалик ҳам юришмагани сабаб бўлди. Бундан ташқари, 2011 йилда компанияга рақобатчи сифатида пайдо бўлган "Free Mobile" операторнинг харидорларга арзон нархларда хизматлар

таклиф этаётгани ҳам унинг иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. "Vivendi" энди бизнеснинг мазкур тури билан шуғулланмасликка қарор қилиб, телекоммуникация соҳасидидаги активларини Мароқаш ва Бразилияга сотиб юборишни мўлжалламоқда.

Корхонада кўнгилсизлик

Япония жанубидидаги "Kurosaka Plating Co." кимёвий корхонасида кўнгилсиз воқеа юз берди.



Ханамаки шаҳрида жойлашган мазкур муассасада таркибида кучли захарли модда бўлган беш тонна сувоқлик тўкилиб кетган. Бу ташкилот ҳудудини қордан тозалаш вақтида йўл кўйилган эйтиборсизлик туфайли юз берган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида кимёвий моддалар йиғиштириб олинган.

Корхона маъмурияти ушбу воқеадан ҳеч кимга зиён етмаганини билдирди.

Марсда скелет топилди

Марсда тадқиқот олиб бораётган "NASA Curiosity" космик аппарати томонидан суратга туширилиб, Ерга узатилган кадрлар мутахассислар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Гап шундаки, у "Кизил сайёра"да судралаб юривчилар оиласига мансуб жониворнинг скелет қолдиқларини тасвирга олган. Аммо унинг дум қисми кўмилиб ётгани боис айнан қандай турдаги ҳайвон эканлигига аниқлик киритишнинг иложи бўлмапти.

Ноёб топилма юзасидан кузатишлар давом эттирилмоқда.

Савдо мажмуасида ёнғин

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳридаги йирик савдо мажмуасида ёнғин содир бўлди.



Оқибатда унинг элликка яқин мебель дўкони жойлашган олти минг квадрат метр майдонига жиддий зарар етган. Ёнғин иш вақти тугаган пайтда юз бергани сабабли ҳеч ким жабрланмади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, "тилсиз ёв" туфайли савдо мажмуаси эгаси бир миллион АҚШ долларида кўпроқ зарар кўрган.

Антиқа жазо

Жанубий Африка Республикасида йўл ҳаракати қондасини бузган ҳайдовчиларга жарима солиш таъсир қилвермагач, ҳукумат бошқа чора қўллашга мажбур бўлди.

Эндиликда қондабузарлар пулни тўлаш ўрнига "Қайта тарбиялаш дастури"га жалб этиладилар. Унга кўра, ҳайдовчилар маълум бир соат мобайнида йўл қондаси бузилиши оқибатида жабр кўрган йўловчилар даволанаётган шифохоналарда ёки ҳалок бўлганлар сақланадиган муассасада ўтиришлари шарт. Шу орқали улар ўзлари учун тегишли ху-

лоса чиқариб оладилар. Мутасаддилар ушбу усул туфайли мамлакатда йўллардаги фалокатлар сони сезиларли даражада камайишига умид билдиришмоқда. Маълумот ўрнида айтиб ўтамоқчи, бир йилда ЖАРда автоҳалокатлар оқибатида ўн мингдан зиёд киши қўрбон бўлди. Мамлакат иқтисодиёти кўрадиган зарар эса етти миллиард АҚШ долларида ошади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ХУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси хузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа гоյлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.

Танлов куйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида табиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, махсусол ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоյлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоյларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- Ариза (намуна бўйича).
 - Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
 - Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
- Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.fpfund.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com**
Манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА

- _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган гоյвий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- инвестиция таклифи;
 - инвестиция таклифининг паспорти.
- Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи.
- Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
 - номи ва рекузитлари;
 - асосий фаолият тури;
 - асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари (асосий восталарнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотларнинг ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
 - умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
 - мавжуд муҳандислик таъминоти восталари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
 - кадрлар потенциали.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 1. Маркетинг:
 - ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
 - дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
 - мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
 - маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
 2. Ишлаб чиқариш:
 - лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал-ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
 - зарур бўладиган ҳодимлар сони.
 3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
 - инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 4. Молиялаштириш:
 - лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
 - объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
 - лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
- Лойиҳани амалга оширишдан қутилаётган натижалар:
 - қутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
 - экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган манзили)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: миллий валютада	минг долл. млн. сўм		
1.1.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони,	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қоплаш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Хар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида			
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	ўлчов бирлигига мувофиқ ўлчов бирлигига мувофиқ		

2009/1314

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Чортоқ тумани судининг 2012 йил 11 сентябрдаги 1/175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Мучум» ҚФЙ, «Янгиобод» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 227,46 кв.м., фойдаланиш майдони 251,99 кв.м. бўлган гузар бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 180 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 1 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 29 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.
 Телефон: (8-369) 226-54-47. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Иқтисодий самарадорлик омили

Жиззах политехника институти олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида минерал туз тўпланишига қарши янги ингибиторлар ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

Кашфиёт

Айтиш жоизки, ингибиторлар энергетика, нефть қазиш ва уни қайта ишлаш, гидрометаллургия, сув таъминоти ва иссиқлик узатиш каби муҳим тармоқлар қурилмалари бевақт яроқсиз ҳолга келишининг олдини олишда муҳим кимёвий восита ҳисобланади.

— Табиатда учрайдиган эрозия, коррозия, минерал туз тўпланиши каби ҳодисалар иқтисодиёт тармоқларига жиддий зарар етказиши, дейди Жиззах политехника институти илмий ходими, лойиҳа муаллифи Наргиза Ўралова. — Маълумотларга кўра, металллар коррозияси ва минерал туз тўпланиши туфайли АҚШда ҳар йили 80 миллиард, Японияда 40 миллиард доллар миқдоридида иқтисодий зиён кўрилар экан. Биз яратган ИОМС-МСМ

ингибитори ҳар кубометр сувга 4-8 грамм миқдоридида қўшилганда, минерал туз тўпланиши 90 фоиздан юқори даражада бартараф этилади. Мамлакатимизда мазкур турдаги ингибиторларга йиллик эҳтиёж 8-10 минг тоннани ташкил этиб, улар бугунги кунда хориждан валюта эвазига келтирилади. Биз олиб борган тадқиқотимизда мазкур кимёвий воситани тўлиқ маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида синтез қилишга эришдик. Агар 1000 тонна ИОМС-МСМ ингибиторини саноат усулида ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, 1 йилда сарф-харажатлар қолганиб, 3 йилда 7,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида иқтисодий самарадорликка эришиш имконияти яратилади.

У. АДЛОВ,
 «Халқ сўзи» муҳбири.

SAGDIANA REAL SERVIS МЧЖ

2013 йил 18 март ва 2 апрель кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Мазкур мулкларнинг баҳоси 10 фоизга арзонлаштирилган нархда аукцион савдосига чиқарилади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги савдо расталари, умумий ер майдони 1305,27 кв.м., қурилиш ости майдони 789,28 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 63 253 289 сўм.
2. «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги кафе биноси, умумий ер майдони 834,2 кв.м., қурилиш ости майдони 580,89 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 41 814 711 сўм.
3. «Ал-Азизбек АГТҚШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи, умумий ер майдони — 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони — 3268,95 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 224 068 753 сўм.
4. Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўргони ҳудудидида жойлашган «Жасурбек» ХИЧСТФга тегишли оғморхона биноси, умумий ер майдони — 18589,29 кв.м., қурилиш ости майдони — 1947,44 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 271 973 789 сўм.
Талабгорлар диққатига! Мазкур кўчмас мулклар 2013 йил 18 март кунидида аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, тақдорий аукцион савдоси 2013 йил 2 апрель куни бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» «Амир Темур» Самарқанд шаҳар бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзилми: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй.
 Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.
 Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.
 Лицензия: 0038.

2009/1317

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
 Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўлказиш йўли билан.
 2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

11/09/09



Бу йўналишда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар эса жойларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш асосида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва шакллантиришга хизмат қилаяпти.

— Айтиш мумкин, виллоятимизда 137 минг 736 нафар болалар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро виллояти филиали директори Ўткир Нажмиддинов. — Уларнинг 52 минг 443 нафари кизлардир. Спорт мажмуалари, стадионлар, теннис майдонлари, сузиш ҳавзалари нафақат шахар ёки туман марказлари-

да, балки чекка ҳудудларда ҳам барпо этилаётгани барча ёшларни машғулотларга қамраб олиш имконини бераётди. Масалан, спортнинг у ёки бу тури бўйича тузилган секцияларга қатнаётган бухоролик 119 минг нафар ўғил-қиз қишлоқ жойларда истиқомат қилади.

Дарҳақиқат, кўзда тутилган эзгу вазифалар ижросини таъминлашда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг катта ҳиссаси бор. 2003 — 2012 йилларда жамғарманинг виллоят филиали томонидан Бухорода жами 89 та иншоот қурилиб,

Фахр

“Биз мана шундай гўзал ва бетақрор, беқиёс бойлик ва имкониятларга, улкан салоҳиятга эга бўлган юртимизда ўзгаларни ҳавасини тортадиган, барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қодир бўлган навқирон авлодни тарбияламоқчи эканмиз, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-марказида туриши даркор”. Президентимизнинг жуда чуқур маънога эга ушбу сўзлари мамлакатимизда фарзанд тарбиясидек ўта нозик масалага нечоғлиқ катта эътибор қаратилишини яққол ифодалайди.

Ўзбек спортининг ёрқин келажаги

Фойдаланишга топширилди. Уларнинг 81 таси қишлоқ жойларда эканлиги, айниқса, эътиборга моликдир. Бунинг учун 28 миллиард 78 миллион сўм йўналтирилди. Спорт иншоотлари 2 миллиард 633 миллион сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Айтиш мумкин, мазкур спорт объектларида 286 нафар мураббий ва 171 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчиси фаолият кўрсата-япти. Уларнинг 269 нафари олий маълумотга эга.

Яна бир диққатга молик далил. 2003 йилда виллоятда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари 34 тани ташкил этган бўлса, бугун уларнинг сони 51 га етди. Шулардан 12 таси олимпия захиралари спорт мактабидир.

— Болалар спорти иншоотларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтган йили 718 та мусобақа ўтказилди, — дейди жамғарманинг виллоят филиали бош мутахассиси Бозор Шеров. — Уларда 134 минг нафардан зиёд ўғил-қиз қатнашиб, ўз шахарини оширди. Бош мутахассиснинг бу маълумотларга тўхталгани бежиз эмас. Ҳар қандай чўққи аста-секинлик билан забт этилади.

Туман, виллоят миқёсидаги беллашувлар болалар учун пиллаво вазифасини ўтаётди. Улар шундай мусобақаларда чинқишмоқда. Катта спортда бусиз натижага эришиш мушкул. Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори, икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров, Лондон Олимпиадаси бронза медали соҳиби, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ҳам болалар спортга бўлган эътибор туфайли кашф қилинган. Сўнгги Олимпиадада иштирок этган яна уч нафар бухоролик спортчининг кучли бешликлдан ўрин олганини айтмайсизми? Ёки бошқа бир мисол. Бугун халқимиз футбол бўйича ўсмирлар терма жамоамиз сафида Осиё чемпиони, деган номга сазовор бўлган Ақобир Тўраев, бадий гимнастикачи Голиблари Ҳусниябону Фулова, Сарвина Холиқова, Замира Санаккулова, шашка бўйича халқаро турнирлар совриндорлари Гулсумбегим Алиева, Ниғина Бозорова ном-

ларини фахр билан тилга олади. Мақолаимиз аввалида аҳоли, айниқса, болалар саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг ўрни ва аҳамияти катталарини таъкидлаган эдик. Соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари олиб борган мониторинг натижалари бу фикрни яна бир карра тасдиқламоқда. Кузатишларга қараганда, Бухоро виллоятини болалар ўртасида касалликка чалиниш ҳолатлари 2012 йилда 2011 йилдагига қараганда 1,3 мартага камайган. Шу муддатда спортга ошно тугинган болаларнинг бўйи 0,7 сантиметрга ўсган, оғирлиги 0,4 килограммга, кўкрак қафаси айланмаси эса 0,6 сантиметрга ошган.

Виллоятда “Соғлом авлод — соғлом келажак” деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги ишлар тизимли тарзда давом эттириляпти. Жорий йилда жамғарма виллоят филиали томонидан манзилли курилиш дастури асосида учта мусиқа ва санъат мактаби, умумтаълим мактаблари учун тўртта спорт зали, Олот туманидаги 7-сон олимпия захиралари спорт мактаб-интернатига спорт зали, Бухоро шаҳрида эса усти ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо қилиш мўлжалланган. Демак, эзгу саъй-ҳаракатлар Обод турмуш йилида ҳам давом эттирилади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Шу кунларда пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган театрлар ижодкорлари иштирокида мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ижодий мулоқот

Хусусан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри жамоасининг ҳам пойтахтимиз бўйлаб ижодий гастрол бўлди. Мазкур театр халқимизни миллий театр санъати ютуқлари, бугунги ижодий жараёнлар ва янги спектакллардан баҳраманд этишга хизмат қилади.

Куни кеча гастроль доирасида Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида ижодий жамоанинг “Алпомиш” спектакли намойиш этилди. Ушбу саҳна асарини кўй-қўшқ ва рақсларга бойлиги, ранг-баранг декорациялари, истеъдодли актёрлар ансамблининг моҳирона ижроси билан томошабинлар олқишларига сазовор бўлди.

Ирода НАБИЕВА.

Кичкинтойларга туҳфа

Навоий виллоятда болажонлар учун театр ҳафталиги ташкил этилди.

Унда Республика ёш томошабинлар театри ижодий жамоаси туман ва шаҳарларда бўлиб, ўғил-қизлар билан мулоқотлар, кизикarli суҳбатлар уюштираётди. Айниқса, “Тузoқ”, “Менинг дадам — пахлавон” каби спектакллар ёш томошабинлар катта таассурот қолдирапти.

Алишер ЭРГАШЕВ.

Экзотик капалаклар

Ўзбекистон давлат санъат музейида “Бахтли тропиклар” деб номланган кўргазма иш бошлади.

Унда Латин Америкаси, Африка мамлакатлари, АКШ, Малайзия, Филиппин, Мьянма ва Мадагаскарда учрайдиган турли экзотик капалаклар намойиш этилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир учун кўргазма павильони алоҳида декорация билан безатилди. Жумладан, капалаклар учун зарур шарт-шароитлар яратилди: меъёрий ҳарорат, намлик ва ёрғулик таъминланди. Митти жонотларнинг жуда қисқа вақт яшаши ҳисобга олиниб, улар кўргазмага гўмбақлик давридаёқ олиб келинди. Эътиборлиси, тадбирда иштирокчилар капалакларнинг гўмбақни ёриб чиқиш ва қанот қоқиш жараёнини ҳам кўриш имкониятига эга бўлмоқдалар. Кўргазма жорий йилнинг 21 апрелига қадар давом этади.

Элдор МАДАТОВ.

«Tashkent-Paris» журнали Ўзбекистон билан таништиради

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Журналда Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг барқарор ўсиши юртимиз иқтисодий-тижорат муваффақиятлари тарққиб туришига алоқадорликни таъкидлаётгани билан таништирилади. Журналист Сильви д’Изарнинг ёзишича, Ўзбекистонда ҳам ички, ҳам ташқи бозор учун автомобиллар ишлаб чиқариш барқарор ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, унинг таъкидлашича, автомобилсозлик саноатининг мустаҳкам технология асоси иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор таъсир кўрсатаётгани баробарида, давлат томонидан ажратилаётган йирик маблағлар Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқаришда давлат сифатида Россия ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари ҳамда Осиё давлатлари бозорларидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Франция Сенатидagi “Франция — Марказий Осиё” дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле каламига мансуб мақола ҳам ўқувчиларда катта кизиқувчига ўйғотади. Муаллифнинг ёзишича, мамлакатдаги турли сиёсий партияларнинг 40 нафардан зиёд сенаторини ўз атрофида бириктирган ушбу гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ҳамкасблари билан доимий мулоқотни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий мақсади, деб билади. А. Дюле мазкур гуруҳнинг фаолияти давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни, шунингдек, парламентларо раҳбарлик ҳосидида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилганлигини таъкидлайди. Унинг маълум қилишича, Ўзбекистон давлат институтлари тизимида Сенатнинг салмоқли ваколатига эгалиги Франция сенаторлари томонидан юксак баҳолалиб, улар икки томонлама ўзаро ташрифлар орқали мамлакатимизнинг ҳам минтақавий, ҳам халқаро миқёсдаги барча

сўнгги ютуқларидан воқиф бўлмоқдалар. Мақолада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгилаб олинган тарққиб туришига “Ўзбек модели” юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ раққиб туришига алоқадорликни таъкидлаётгани билан таништирилади. Журналист Сильви д’Изарнинг ёзишича, Ўзбекистонда ҳам ички, ҳам ташқи бозор учун автомобиллар ишлаб чиқариш барқарор ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, унинг таъкидлашича, автомобилсозлик саноатининг мустаҳкам технология асоси иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор таъсир кўрсатаётгани баробарида, давлат томонидан ажратилаётган йирик маблағлар Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқаришда давлат сифатида Россия ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари ҳамда Осиё давлатлари бозорларидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Франция Сенатидagi “Франция — Марказий Осиё” дўстлик гуруҳи раиси Андре Дюле каламига мансуб мақола ҳам ўқувчиларда катта кизиқувчига ўйғотади. Муаллифнинг ёзишича, мамлакатдаги турли сиёсий партияларнинг 40 нафардан зиёд сенаторини ўз атрофида бириктирган ушбу гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ҳамкасблари билан доимий мулоқотни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий мақсади, деб билади. А. Дюле мазкур гуруҳнинг фаолияти давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни, шунингдек, парламентларо раҳбарлик ҳосидида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилганлигини таъкидлайди. Унинг маълум қилишича, Ўзбекистон давлат институтлари тизимида Сенатнинг салмоқли ваколатига эгалиги Франция сенаторлари томонидан юксак баҳолалиб, улар икки томонлама ўзаро ташрифлар орқали мамлакатимизнинг ҳам минтақавий, ҳам халқаро миқёсдаги барча

Юқоридагилардан ташқари, француз журналистлари Сильви д’Изар, Брижит Бланк ва Томас Бемонт томонидан тайёрланган мазкур электрон нашрнинг илк сониди жорий йил бундан ташқари Францияда бўлиб ўтадиган йирик савдо-саноат, курилиш ҳамда сайёҳлик кўргазмалари ҳақидаги эълонлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

«Жаҳон» АА. Париж

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг “Бунёдор” клуби ҳам гуруҳ баҳсларини галаба билан бошлади.

«Бунёдор» зафар кучди

Мусобақанинг “G” гуруҳидан жой олган футбол жамоамиз биринчи турни сафарда Япониянинг “Санфрече Хиросима” клубига қарши ўтказди. Қизиқarli кечган учрашувда вакилларимиз ҳар икки бўлимда мезбонлар дарвозасини бир мартадан аниқ нишонга олиш-

ди. Дастлабки голга ҳужумчи Александр Пишур муаллифлик қилди. Иккинчи бўлимда эса ярим ҳимоячи Фозил Мусаев ҳисобни 0:2 кўринишига олиб келди. Бу натижа ўйин якунига қадар ўзгармади. Ушбу гуруҳдаги “Поханг Стилерс” (Жанубий Корея) —

“Бэйцзин Гоань” (Хитой) жамоалари ўртасидаги ўйинда эса ҳисоб очилмади. 13 март куни бўлиб ўтадиган иккинчи турда “Бунёдор” ўз майдонига “Поханг Стилерс” клубига қарши баҳс олиб боради.

Фозилдин АБИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

UZGUMI
Табиятнинг биологик фаол мўъжизаси - янги авлод гумини ўғити

ҲОСИЛНИ ОШИРАДИ:
ПАХТА + 10-20%
БУҒДОЙ + 15-25%
МЕВА ва САБЗАВОТ + 30-50%

ЕТИЛИШ МУДДАТИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ,
КАСАЛЛИКЛАРГА ва ҲАШАРОТЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ ОШИРАДИ.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

ДЕҲҚОН БОЙ БЎЛСА, НУРТ ОБОД БЎЛАДИ!

Тел: (8-371) 238-92-29
www.tbs-group.uz

«SN INVEST»
предоставляет:

- тракторы
- кормовые комбайны
- кукурузоуборочные комбайны
- пресс-подборщики
- косилки-измельчители
- косилки дисковые
- косилки сегментно-пальцевые
- косилки для хлопчатника
- плуги обычные
- плуги оборотные
- плуги дисковые
- валкообразователи
- чизель
- борону
- сеялки зерновые, овощные и хлопковые
- разбрасыватели органических и минеральных удобрений
- измельчители, смесители и раздатчики кормов
- экскаваторы-погрузчики
- экскаваторы-бульдозеры
- траншеекопатели

Тел: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

Сара уруз — юқори ҳосил гарови
Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан маккажўхори ва чорва озуқа экинлари урузларини таклиф қилади.

УРУЗЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46.
Факс: (+99871) 257-58-61.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20. Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — С. Махсумов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.